

## Номзодларнинг ишончли вакиллари тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 43-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш тартибини, унинг ҳуқуқий мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

### І. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафаргача, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод 10 нафаргача, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод 5 нафаргача, Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига номзод 3 нафаргача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқароси номзоднинг ишончли вакили бўлиши мумкин.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарорига асосан иккинчи хатбоши билан тўлдирилган)*

2. Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3. Ишончли вакилларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги сайлов билан боғлиқ сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади.

4. Ишончли вакилга унинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг талабларига мувофиқ сайловолди ташвиқоти ўтказиш даврида иш ҳақи сақлаб қолинмаган ҳолда таътил берилиши мумкин.

*(4-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 8 июндаги 1283-сон қарори таҳририда)*

4<sup>1</sup>. Ишончли вакилликка номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун тегишли сайлов комиссиясига тавсия этиш ҳамда сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш жараёнлари “E-saylov” ахборот тизими орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишончли вакилларга гувоҳномалар электрон шаклда “E-saylov” ахборот тизими орқали берилганда гувоҳнома тегишли сайлов комиссияси раиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

*(4<sup>1</sup>-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарорига асосан киритилган)*

## **II. Ишончли вакилларни рўйхатга олиш**

5. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари унинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади ва мазкур Низомнинг 1-иловасида белгиланган шаклда уларга гувоҳнома берилади.

6. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакиллари ўз хоҳишига кўра белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади. Бунда ариза:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига:

бир мандатли сайлов округлари бўйича рўйхатга олинган номзодлар томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиясига;

рўйхатга олинган партия рўйхатига киритилган номзодлар томонидан Марказий сайлов комиссиясига;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод томонидан тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиясига;

халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳри мустасно) Кенгаши депутатлигига номзод томонидан туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Аризага ишончли вакилликка номзоднинг паспорт нусхаси (ёки идентификация ID-картаси), 2 дона 3 х 4 ҳажмдаги фотосурати илова қилинади.

Тегишли сайлов комиссияси аризани қабул қилган кундан бошлаб, 3 кунлик муддатда ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга мазкур Низомнинг 2 – 2в-иловаларда белгиланган шаклда гувоҳнома беради.

Гувоҳномада номзод кўрсатган сиёсий партиянинг алоҳида фарқ белгилар (ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

*(6-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)*

7. Ишончли вакилнинг гувоҳномаси тегишли сайлов комиссияси раисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

8. Номзод сайловга қадар исталган вақтда ўз ишончли вакилини тегишли сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

## **III. Ишончли вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Ишончли вакил:

номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради;

номзод сайланиши учун ташвиқот олиб боради;

давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

10. Ишончли вакил бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

11. Ишончли вакилга сайловолди ташвиқоти даврида:

ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш;

ноўғри ахборотни тарқатиш, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини бузиш, шунингдек номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш;

*(11-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)*

сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

12. Ишончли вакил томонидан сайловга бир кун қолганида ва сайлов кунида ташвиқот олиб бориш тақиқланади.

#### **IV. Яқуний қоидалар**

13. Ишончли вакиллар сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

*(13-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)*

14. Шикоят берган ишончли вакиллар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Номзодларнинг ишончли вакиллари  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ИШОНЧЛИ ВАКИЛИНИНГ ГУВОҲНОМА  
НАМУНАСИ**

<i>(Сийёсий партиянинг логотипи) (Сайлов санаси)</i>	РАСМ
<b>ГУВОҲНОМА №</b> _____	
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД</b>	
_____	
<i>(фамилияси)</i>	
_____	
нинг	
<i>(исми)</i>	
<b>ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ</b>	
_____	
<i>(фамилияси)</i>	
_____	
<i>(исми)</i>	
<b>Марказий сайлов комиссияси Раиси</b>	<i>М.Ў.</i> _____ <i>(имзо)</i>
<small>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.</small>	

140 x 100 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

Номзодларнинг ишончли вакиллари  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ИШОНЧЛИ ВАКИЛИНИНГ  
ГУВОҲНОМА НАМУНАСИ**

<p>(Сайлов комиссиясининг номи) (Сайлов санаси, логотипи)</p>	<p>РАСМ</p>
<p>ГУВОҲНОМА № ____</p>	
<p><b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ нинг (исми)</p>	
<p><b>ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ (исми)</p>	
<p>_____ <b>сайлов комиссияси раиси</b></p>	<p>М.Ў. _____ (имзо)</p>
<p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.</p>	

140 x 100 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)

Номзодларнинг ишончли вакиллари  
тўғрисидаги низомга  
2а-ИЛОВА

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД  
ИШОНЧЛИ ВАКИЛИНИНГ ГУВОҲНОМА  
НАМУНАСИ**

<p>(Сайлов комиссиясининг номи) (Сайлов санаси, логотипи)</p>	<p>РАСМ</p>
<p>ГУВОҲНОМА № ____</p>	
<p><b>ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ _____ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ нинг (исми)</p>	
<p><b>ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ (исми)</p>	
<p>_____ худудий сайлов комиссияси раиси <span style="float: right;">М.Ў. _____ (имзо)</span></p>	
<p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.</p>	

140 x 100 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

(2а-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)

Номзодларнинг ишончли вакиллари  
тўғрисидаги низомга  
26-ИЛОВА

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА  
НОМЗОД ИШОНЧЛИ ВАКИЛИНИНГ ГУВОҲНОМА  
НАМУНАСИ**

<p>(Сайлов комиссиясининг номи) (Сайлов санаси, логотипи)</p>	<p>РАСМ</p>
<p>ГУВОҲНОМА № ____</p>	
<p><b>ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ нинг (исми)</p>	
<p><b>ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ</b></p>	
<p>_____ (фамилияси)</p>	
<p>_____ (исми)</p>	
<p><b>Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси раиси</b> М.Ў. _____ (имзо)</p>	
<p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.</p>	

140 x 100 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

(26-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)

Номзодларнинг ишончли вакиллари  
тўғрисидаги низомга  
2в-ИЛОВА

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА  
НОМЗОД ИШОНЧЛИ ВАКИЛИНИНГ ГУВОҲНОМА  
НАМУНАСИ**

<p><i>(Сайлов комиссиясининг номи)</i> <i>(Сайлов санаси, логотипи)</i></p>	<p>РАСМ</p>
<p>ГУВОҲНОМА № __</p>	
<p><b>ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ _____ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД</b></p>	
<p>_____</p>	
<p><i>(фамилияси)</i></p>	
<p>_____ нинг</p>	
<p><i>(исми)</i></p>	
<p><b>ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ</b></p>	
<p>_____</p>	
<p><i>(фамилияси)</i></p>	
<p>_____</p>	
<p><i>(исми)</i></p>	
<p><b>Туман (шаҳар) сайлов комиссияси раиси</b></p>	<p>М.Ў. _____ <i>(имзо)</i></p>
<p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.</p>	

140 x 100 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

*(2в-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1344-сон қарори таҳририда)*